Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
22 август
ЧОРШАНБА
№ 66
(12.494)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**



## БОШОҚНИНГ ФЕРМЕРГА ТАЪЗИМИ БУ

***Шоли бошоғи бошқа дон экинлариникига нисбатан ўзгачароқ бўлади. Ҳар бир шоли донаси ипга шокила тарзида қадалган тилла тақинчоқ мисол енгил шабада эпкинида тинимсиз мавжланиб, кишига маржон шодасини эслатади. Агар экин ўғитга обдон тўйган, сувга, айниқса, фермернинг меҳрига қонган бўлса, бошоқлар шиғил бўлиб, бутун шолизор тилларангга бурканади. Энг қизиғи, бошоқ шодаларининг ҳаммаси бирдек ерга энгашиб туради.***

– Тўқ бошоқнинг фермерга миннатдорлик таъзими бу, – дея ҳазиллашдик "Нишонбоев Жамшид" фермер хўжалигининг дуркун шолисини кузатиб.

– Қуйи чирчиқликлар шоличиликнинг ҳадисини олишгани рост, – деди фермер Нишонбой Тўнтаев. – Уларга 60-70 центнердан хирмон кўтариш чўт эмас. Мана, биз ҳам 70 центнерни мўлжаллаб турибмиз. Умумий ҳосил 450 тоннадан кам бўлмаслигига ишонамиз. Бу – ҳар йилги ишимиз.

Хўжаликда 22 киши меҳнат қилади. Чунки, шолидан ташқари ғалла ва пахта ҳам етиштирилади. Давлат эҳтиёжлари учун гектаридан 30 центнердан, жами 75 тонна дон топширилди. Ўзларига қолган буғдой эса нақд даромад.

Фермернинг ўғиллари Собир, Баҳром, Бахтиёр аллақачон оталарининг ёнига киришган. Улар хўжаликдаги ҳамма тармоқларга етакчи. Айниқса, Бахтиёрнинг ғайрати бўлакча. "Вақти келиб, шу ўғлим қўлимдан ишимни олса кераго-ов" дейди фермер.

**СУРАТДА:** фермер Нишонбой Тўнтаев.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

**Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси – Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.**

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтинги имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди – танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби анъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар – Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингида 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингида соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

**ЎзА.**

**Тошкент вилоятида Республика Ички ишлар идоралари Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўртасида ташкил этилган "Намунали патруль-пост хизмати саф бўлинмаси" ва "Патруль-пост хизмати аълочи милиционери" кўрик танловларининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.**

## ХИЗМАТ АЪЛОЧИСИ АНИҚЛАНДИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 300 нафарга яқин патруль-пост хизмати ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда ички ишлар идораларида патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини замонавий техника воситалари билан таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг самарали фаолияти учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жиноятчиликка қарши курашишда асосий куч сифатида фаолият кўрсатаётган патруль-пост хизмати отрядларида касбий, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги юксак шахсий таркиб шакллантирилди.

Қизғин баҳслар остида ўтган беллашувларда "Намунали патруль-пост хизмати саф бўлинмаси" йўналиши бўйича биринчи ўринни Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони жамоаси эгаллади. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси сержанти Алишер Ахмедзиянов "Патруль-пост хизматининг аълочи милиционери" деб топилди.

**ЎзА.**

**ТАНЛОВ**

## МАҲАЛЛАЛАР КЎРИГИ

**Маҳаллалар мустақил Ўзбекистонда юрт кўзгусига айланди. Фуқароларнинг бу ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятида бутун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаёти акс этади десак, хато бўлмайди. Улар демократик янгиланишлар жараёнлари, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни кучайтириш, янги инсонни камол топтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш билан бандликни таъминлаш орқали мамлакатимизда тинчликни мустаҳкамлаш, халқ турмушининг маънавий ва моддий даражасини кучайтиришнинг чинакам марказларига айланиб бормоқда.**

– Демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг фаолиятини кучайтириш, иш услубларини такомиллаштириб, ҳаракат йўналишларини кенгайтириш, фаолларимиз ўз ваколатларидан оқилона ва самарали фойдаланишларига эришиш муҳим аҳамиятга эга, – дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. – "Фуқароларнинг энг намунали ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танлови шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу танловлар вилоятимизда пухта тайёргарлик, ғоят уюшқоқлик билан ўтказилди. Муҳими, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, маслаҳатчи ва котиблари, барча фаоллар шу танлов баҳонасида кундалик ва истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари жараёнида орттирилган тажрибаларни умумлаштириб, фуқаролар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарбия ҳамда бошқа ташкилотчилик ишларининг самарасини янада ошириш чора-тадбирларини белгилаб олдилар.

Ўтган шанба куни Зангиота ва Оҳангарон туманларида ташкил этилган танлов вилоятимизда бу кўрикнинг шаҳар ва туман босқичига якун ясади. Бу танловларда 889 та маҳалла фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш идораси иш усуллари, эришаётган ютуқларини намойиш қилди. Зангиота туманида 21 та маҳалланинг 15 таси фаол иштирок этди. Кўрик натижаларига кўра, илғор маҳаллалар ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва бошқа номинациялар бўйича биринчиликни эгаллади. Зоир Жалилов номли маҳалла "Фуқароларнинг энг намунали ўзини ўзи бошқариш органи" деб топилди. "Обод" маҳалласи иккинчи, "Ҳасанбой" ва "Чинор" маҳаллалари учинчи ўринларни эгаллади.

Танловнинг бу босқичи ғолиблари шу кунларда вилоят кўригига қизғин тайёргарлик кўришаётир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

**Вилоят давлат солиқ қўмитаси республика Президентининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида кўргазмали семинар ва матбуот анжумани ўтказди. Унда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар чет эл элчихоналари вакиллари, депутатлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.**

## УЧ ОЙДА БИР ҲИСОБОТ

Анжуманда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар бериш хусусида сўз борди.

– Янги йилдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари, йирик корхоналар ягона солиқ тўлови ёки қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим этадилар, – деди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Дилшод Файзуллаев. – 2013 йил 1 январдан бошлаб, солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, 5 тага тушириш белгиланди.

Шунингдек, анжуманда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш учун "Интернет-банкинг" тизимининг жорий қилиниши таъкидланди. Фуқароларга солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш, "бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига жўнатишни электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқи берилгани хусусида ҳам сўз борди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

**ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА**

## МАВСУМДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

**Олмалиқ шаҳрида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп қаватли уйларни кузқиш мавсумига тайёрлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.**

– Ўтган мавсумдаги камчилик ва муаммоларни такрорламаслик учун йил бошидан мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмоқда, – дейди Олмалиқ шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раҳбари Мансур Худойқулов. – Шаҳардаги 334 та кўп қаватли уйга 37 уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатмоқда. Бу ширкатларга банклар имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Ҳозиргача 104 миллион сўм кредит уларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги вакиллари, округ раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ички ишлар бўлими ҳамда бириктирилган банк ходимлари ҳудудлардаги кўп қаватли уйларни тўлиқ ўрганиб чиқишди. Том, ертўла, йўлак, эшик ва иситиш тизимларини тартибга келтириш учун қўшимча тадбирлар белгиланди. 216 та кўп қаватли уйлар таъмирдан чиқарилади. 176 уйнинг томи, 144 та уйнинг иссиқлик тизими ва 17 тасида мукаммал таъмирлаш бошлаб юборилди.



Таъмир жараёнларини назорат қилиш ва қабул қилиб олиш мақсадида кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаро ва маҳалла фаолларидан иборат жамоатчилик комиссиялари тузилган.

– Бизнинг ширкатимиз 11 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, – дейди "Келажак" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раиси Анна Беломитцина. – Ҳозиргача битта уйнинг томи мукаммал таъмирдан чиқарилди. Барча уйларнинг иссиқлик тизими таъмирланаяпти.

Шаҳарда хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш, кўп хонадонли уйларни сақлаш, жорий ва мукаммал таъмирлашда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида тўртта сервис бошқарув компанияси ташкил этилди. Улар ижтимоий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ширкатлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

**СУРАТДА:** Олмалиқ шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раҳбари (ўртада) Мансур Худойқулов фаоллар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш органлари – "Маҳалла" институтини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да баён этилган маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашга оид вазифалар ижроси ушбу тизимнинг нуфузини янада ошириши билан бирга, зиммасига масъулиятли вазифаларни ҳам юклайди.

Миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган "Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги тадбирда ҳам маҳалла институтининг оилалар барқарорлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлари, бу борадаги ютуқ ва муаммолар атрофлича муҳокама қилинди. Унда маҳалла яраштирув комиссиялари зиммасидаги вазифалар, оилавий низоларни бартараф этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинди. Тадбирда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва меҳнатдан бўйин товлаш, дангасалик каби иллатлар оилалардаги келишмовчиликларнинг асосий сабабчиси эканлиги таъкиланди.

**"Туркистон-пресс".**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# МАҚСАД — ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Мамлакатимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланмоқда. Автомобиль сотиб олаётган кишилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини ошириш, улардан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштиришни талаб қилади.**

Автотранспортда йўловчи ва юк ташиш хизматини сифатли ташкил этиш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майда қабул қилинган "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори асосида "2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури" тасдиқланган.

Ушбу дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 июлда қабул қилинган "Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида соҳага доир ягона талаблар белгиланди.

– Ҳар бири ўн-йигирма, ҳатто юзлаб бетдан иборат стандартлар талабларини бажариш автомобиль эгаларига катта қийинчиликлар туғдираётган эди, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив техник таъминлаш республика маркази бош директори Шербек Эрбеков. – Янги техник регламентга кўра, мамлакатимизда халқаро ва давлатлараро стандартлар тоифасига кирувчи эллик бешта норматив ҳужжатга риоя этилиш мажбурийлиги бекор қилиниб, ихтиёрийлик мақомига ўтказилди. Бу эса автомобилдан фойдаланувчиларга бир қатор енгилликлар беради. Мазкур қарор 2013 йилнинг бошидан кучга киради.

Регламент қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, барча турдаги автотранспорт воситаларидан фойдаланганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат мулкини асраб-авайлашни назарда тутади.

Техник регламент асосида тартибга солинадиган объектлар сирасига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қатнаётган йўловчи, юкларни ташиш ва махсус ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва яримтиркамалар киради.

Регламентни ишлаб чиқишда маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда халқаро тажриба ҳам чуқур ўрганилди. Зеро, дунёда бу соҳада қарашлар турлича. Улар орасида баъзан кутилмаган талаблар ҳам учраб туради. Масалан, 1977 йилда Швецияда автомобиль чироқларини кундузи ҳам ёқиб юриш қоидаси жорий этилган эди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кундузи чироқ ёқиб автомобиль бошқариш йўл-транспорт ҳодисаларини 5 фоизга, пиёда ва велосипедчилар билан тўқнашувларни эса 12 фоизга камайтирар экан.

Мамлакатимизда қабул қилинган янги регламентда автомобилнинг тормоз ва руль бошқарувига, ёритиш қурилмалари, шина ва ғилдиракларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган. Жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи уни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишмаган ҳолда автотранспорт воситасининг конструкциясига ўзгартириш киритиши, руль ва тормоз бошқарувида ҳамда бошқа таркибий қисмларда кўзда тутилган элементларни олиб ташлаши ёки янгисини ўрнатиши мумкин эмас.

Шунингдек, регламентда автомобиль ойналарининг ёруғлик ўтказишига оид талаблар ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ойналар 70 фоиз нурни ўтказа олиши керак. Енгил автомобиль шина тишларининг минимал қалинлиги эса 1,6 миллиметр бўлиши лозим. Ғилдиракларнинг тишлари емирилиб, силлиқ бўлиб қолганда уларни алмаштириш шарт. Чунки бундай носоз шиналарда автомобилнинг тормоз олиши қийинлашади ва тўхташи чорак баробарга чўзилади.

Белгиланган тартибга кўра юк машиналари йилда бир марта, йўловчи ташиш транспорти эса ҳар олти ойда техник кўрикдан ўтказилади. Агар транспорт регламент талабларига жавоб бермаса, улардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Айни вақтда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бизнес субъектлари, транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган бошқа ташкилотларни автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган талаблардан хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг веб-сайтига "Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламент матни ва уни амалда қўллаш шартларига оид шарҳлар жойлаштирилган. Соҳа вакиллари билан биргаликда техник регламентни амалда қўллаш масалалари бўйича семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда.

"Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентдан хабардор бўлиш автотранспорт воситаларидан фойдаланишни ҳар томонлама тартибга солиш, юк ва йўловчи ташишда фуқароларнинг ҳаётини турли бахтсиз ҳодисалардан асрашда муҳим аҳамиятга эга.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**





# БИЗ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛЛАР

Чирчиқ горнизони зобитлар уйи ҳамда Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, барча соҳада эришилаётган юксак натижалар хусусида сўз борди. Шунингдек, юртимизнинг бунданда гуллаб яшнаши, тараққий этиши учун амалга ошириш зарур бўлган устувор вазифаларга алоҳида тўхталинди.

Шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# БУ ИШЛАР ЯНА КЕНГАЯДИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва "Қишлоқ қурилиш банк", "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ҳамкорлигида "Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини яхшилаш ва кўламини янада кенгайтириш масалалари, кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш ва хорижий тажрибаларни татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Таъкидландики, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, замонавий уй-жойлар қуриш, янги инфратузилмаларни шакллантиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо этиш кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Натижада, ҳар йили минглаб қишлоқ оилалари шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уйларга кўчиб ўтишмоқда.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Умида ШУКУРОВА.**

# БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди, "Чинор" экологик нашриёт компанияси Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2012 йил – "Барқарор энергетика барча учун" халқаро йилига бағишланган "Республикада қайта тикланувчи энергия манбаларини татбиқ қилиш тажриба ва истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

Энергетик балансга бир вақтнинг ўзида экологик тоза бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг камайиши нуқтаи назаридан ҳам талаб қилинмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади, жумладан, аҳоли яшаш жойларида бандликни таъминлайди. Бундай энергия манбалари таркибига қуёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилардан олинган биогаз киради.

Анжуманда журналистлар саволларига батафсил жавоб берилди.

**Шаҳло ФАЙЗИЕВА.**

ОГОҲЛИК

# ЙЎЛИМИЗ АНИҚ, НИЯТИМИЗ ҚАТЪИЙ

**"Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади". Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёда жадал глобаллашув бораётган ҳозирги пайтда юксак орзу-умидларимизга эришишимизга тўсқинлик қилувчи терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, миссионизм, оммавий маданият каби хавф-хатарлар болалаб бормоқда.**

Халқимизни таҳликага солиш, ўзи танлаган йўлдан адаштириш мақсадидаги уринишлардан барчамиз хабардормиз. 1999 йилдаги Тошкент, Бухоро, Сариосиё, Ангрен воқеаларини эслайлик. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринмасин, қабиҳ ниятларига ета олмайди. Чунки, ўзининг минг йиллик тарихига, маънавиятига эга бўлган, бировга қарам бўлишни ор биладиган, меҳнатсевар, тинчликсевар ва фаровон ҳаёт, бунёдкорлик, эзгуликка бошлаб бораётган раҳбариятига ишонган халқимиз бор.

Атрофимиздаги қўшни давлатларда бўлиб ўтаётган нохуш воқеаларни телевизорларда кўриб, радиода эшитаяпмиз. Улардаги нотинчликлар бизнинг юртимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатади, албатта. Халқимиз "Қўшнинг тинч – сен тинч" дейди. Юртбошимиз Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш масалаларида минтақамизда яшовчи фуқаролар хавфсизлигини эътиборга олиб, аниқ таклифлар киритдилар.

Масалан, Тошкентда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Афғонистон масаласи кўтарилди. Афғонистон халқига ўз тақдирини ўзлари ҳал қилишларини, қурол билан, куч билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини айтиб, афғон халқига дунё ҳамжамияти томонидан иқтисодий ёрдам кўрсатишни таклиф этдилар. Тожикистон раҳбарияти Роғун электрстанцияси қурилиши экологияга ва айниқса, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон аҳолисига катта хавф туғдириши ҳақида гидрогеологик, экологик ва сейсмик нуқтаи назардан хавфли эканини ва бу қурилишнинг хавфсиз вариантларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. 2010 йил БМТда Юртбошимиз бутун дунёда мавжуд муаммолар, очликка барҳам бериш, болалар ўлими, умумий таълимни таъминлаш, аёллар мавқеини кўтариш, иқтисодий интеграция, қочоқлар муаммоси, миллатлараро низолар, урушга қарши масалалар бўйича муҳим таклифлар киритдилар.

Бекобод шаҳри Тожикистон билан Ўзбекистон чегарасида жойлашган бўлиб, Тожикистон раҳбарияти Эрон, Афғонистонга савдо-сотиқ йўлларини очиб қўйган. Ҳатто, қўшни Хўжанд шаҳрида ҳам афғон бозори ташкил этилган. Шу туфайли бизнинг ҳудудимизга гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ, диний экстремизм ғоясини тарғиб қилувчи турли манбалар кириб келиши хавфи мавжуд. Ёмон оқибатлар келтирувчи бундай ҳолатлардан ўзимизни, айниқса, ёшларни эҳтиёт қилишимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобларида шундай сатрлар бор: "Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ, лоқайд одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди, сотмайди ҳам, фақат улар жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади". Ота-боболаримиз яшаб ўтган муқаддас еримизни, улардан асрлар оша бизгача етиб келган миллий қадриятларимиз ва тарихимизни, халқимиз ва фарзандларимизни асраб-авайлаш юртимиз ҳар бир фуқаросининг энг устувор вазифаси ва муқаддас бурчи эканлигини доимо ёдда сақламоғимиз лозим.

**М. САНГИНОВ,**
**ЎзМТДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси.**

# ҲАЙДОВЧИГА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ШАРТ

**Йилдан-йилга юртимиз кўчаларида автомобиллар ҳаракати кенгаймоқда. Бу қувонарли ҳол албатта. Ахир, шошилинч, зарур вақтда айнан автомобиль узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилади.**

**Бироқ, автомобилни тўғри бошқариш, тирбандликлар ҳосил қилмаслик, манзилга тез ва эсон-омон етиб олишда ҳайдовчидан катта билим ва тажриба талаб этилади.**

– Бир йилда Б ва БС тоифадаги 450 кишини ҳайдовчиликка тайёрлаймиз, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилоти раҳбари Маҳмуд Пўлатов. – Ўқиш 3 ва 5 ойга мўлжалланган. Дарслар жараёнида назария чуқур ўргатилади. Амалиётда эса ҳайдовчига назарияни ишда қўллаш имкони берилади. Шунингдек, биз машғулотлар давомида ўқувчиларнинг руҳий тайёргарлигини синовдан ўтказамиз. Негаки, машинани ўзига бўйсундириш учун кишига қатъият зарур. Қолаверса, йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳар жиҳатдан ҳайдовчига боғлиқ. Шу боис дарс ўтиш, ўқувчиларнинг салоҳияти, ўзлаштириш даражаси доимий назорат қилинади. Билим ва кўникмаларни аъло даражада ўзлаштирганларгагина ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Яқинда 6 ой якуни бўйича 175 киши В, 50 киши ВС тоифадаги гувоҳномаларни олдилар.




– Машина ҳайдашнинг қонун-қоидалари, ўзига яраша мураккаблиги бор деб сира ўйламагандим, – деди Ўрта чирчиқлик Султон Ҳусанов. – Чунки, мен ёшликдан акаларимдан кўриб, ўрганиб, машина ҳайдардим. Лекин назарий жиҳатлари, зарурий қоидалар ҳақида тасаввурим йўқ эди. Бу ерда эса машиналарнинг тузилишидан тортиб, йўл ҳаракати қоидаларини ҳам ўргандим. Ҳатто, зарурий белгиларни ёд олдим.

Ташкилот қошида спортни ривожлантириш учун бўлимлар ташкил қилинган. Спорт ихлосмандлари ўқ отиш, биатлон, автоспорт билан мунтазам шуғулланишлари мумкин.

– Гуруҳларда 12 нафардан зиёд ўсмирлар бор, – деди Маҳмуд Пўлатов. – Улар изланиб, ўрганиб, ўз устиларида мукаммал ишлайдилар. Шунинг учун ҳам нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқдалар.

Бу ерда шуғулланаётган ёшларнинг спорт майдонларидаги ютуқлари айтишга арзигулик. Жумладан, Виктория Русанова ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон чемпиони унвонига эга бўлса, шу мусобақада Азиз Холбеков, Андрей Скворцов ҳаво аждаҳоларини учиришда республика чемпиони бўлишди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

**СУРАТДА:** мураббий Жавлон Пўлатов йўл ҳаракати қоидалари бўйича тингловчиларга назария машғулоти ўтказмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ТИББИЁТНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели: унинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро эътирофлар ва истиқболдаги устувор вазифалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.**

Таъкидландики, мамлакатимизда давлат қудрати ва бойлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири – тиббиёт тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими – қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантиришда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Анжуманда журналистлар томонидан берилган саволлар жавобсиз қолмади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Олмазор тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган: I. 11.06.2012 й.даги 10-1109/18376-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 850 824 544 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй манзилида 4184 кв.м. ҳудудида жойлашган, бинонинг умумий майдони 1876 кв.м., 5 та блок ("А"-552 кв.м., "Б"-355 кв.м., "В"-600 кв.м., "Г"-342 кв.м., "Е"-27 кв.м.)дан иборат кўчмас мулк; II. 04.10.2011 й.даги 1-738/11-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 1 426 684 553 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган 3 та блок ("А"-2052 кв.м., "Б"-291 кв.м., "В"-100 кв.м.)дан иборат кўчмас мулк; III. 16.12.2011 й.даги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан: 1) Бошланғич нархи – 2 000 000 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Шамсутдинова кўчасида жойлашган 9 блок ("Д"-483 кв.м., "Е"-453 кв.м., "Ж"-1034 кв.м., "З"-1652 кв.м. бўлган савдо комплекси ва ярим ертўла иншооти, "К"-207 кв.м., "М"-483 кв.м., "Н"-453 кв.м., "О"-395 кв.м., "П"-65 кв.м. бўлган, 2010 йилда курилган савдо комплекси)дан иборат савдо маркази; 2) Бошланғич нархи – 800 000 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 28-уйда жойлашган битта блокдан иборат бино.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 21 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида курсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 21 сентябрь куни сотилмаган такдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 12 октябрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2012 йил 31 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 05.03.2012 й.даги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан – 1) Бошланғич нархи – 379 280 000 сўм, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, бино-иншоотнинг умумий майдони 155,0 кв.м., асосий хоналар сони 12 та бўлган, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган "Сартарошхона ва дўкон (офис) бино-иншоотлари"; 2) Бошланғич нархи – 604 310 000 сўм, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Қ.Ф.Й.да жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича курилиш ости майдони 1345,65 кв.м. бир қаватли, ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган "Автосарой" бино-иншоотлари; 3) Бошланғич нархи – 653 690 000 сўм, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоги, Д. Тусметов кўчасида жойлашган тураржойнинг умумий майдони 792 кв.м., курилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та бўлган далаҳовли; 4) Бошланғич нархи – 274 680 000 сўм, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккачинор кўчаси, 10/2-уйда жойлашган, фойдали майдони 132,12 кв.м., асосий хоналар сони 4 та, яшаш хоналар сони 78,37 кв.м., 17-хонадон; 5) Бошланғич нархи – 1 317 621 690 сўм, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳиясида жойлашган, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шахобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шахобчаси; 6) Бошланғич нархи – 1 192 050 000 сўм, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ивлиева кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган, 2 каватли битта бинодан иборат, бинонинг умумий майдони 748,0 кв.м., "Меҳмонхона" бино-иншоотлари; 7) Бошланғич нархи – 4 075 660 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м., "Чойхона" (Сабо тўйхонаси) биноси; 8) Бошланғич нархи – 1 506 820 000 сўм, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдон 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, "Маиший хизмат кўрсатиш" бино-иншоотлари; 9) Бошланғич нархи – 2 808 670 000 сўм, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2898,3 кв.м., 15 та биноли, "Ишлаб чиқариш ҳудуди" бино-иншоотлари.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг 2012 йил 17 августдаги 26-сонли Баённомаси қарори билан Тошкент вилояти шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналишларида қатнайдиган йўловчи ташувчи транспорт хизматлари тарифлари қуйидаги миқдорда:**

**шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) автобус йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 50 сўмдан 55 сўмгача;**

шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичи) йўналишли такси йўналишларида 1 йўловчи километр учун – 55 сўмдан 65 сўмгача (бунда масофаси 10 километрдан кам бўлган автобус йўналишларида йўл кира ҳақи миқдори 600 сўмдан ва йўналишли такси йўналишларида йўл кира ҳақи миқдори 800 сўмдан кам бўлмаган миқдорда);

йўналишсиз таксиларда йўловчиларни ташишда йўл кира ҳақининг чекланган нархи 1 йўловчи километр масофа учун "Эконом класс" тоифасидаги ("МАТИЗ", "СПАРК", "НЕКСИЯ" русумли) автомобиллар учун – 500 сўм, "Бизнес класс" тоифасидаги ("ЛАСЕТТИ", "ЭПИКА" русумли) автомобиллар учун – 800 сўм қилиб белгиланлигини маълум қилади.

**«Respublika mulk markazi» YoAJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ хамда "Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳокимлиги Молия бўлими"нинг 2012 йил 14 августдаги № AF-22-сонли буйруғига мувофиқ Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Ақча қишлоғи манзилида сақланаётган, "Дамас" русумли, д/р 11 АК 458 бўлган, 1997 йилда и/ч. автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 750 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 24 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 2 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 28 сентябрь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" YoAJ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000600571452011, МФО 01036, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300. Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел: (8-371) 233-28-52. Расий сайтимиз: www.rmm.uz.

Хизматлар рўйхатга олинган.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

# ПАЙКАЛДА САЙР ҚИЛИШГА НЕ ЕТСИН

**Полиз экинларининг пишиб етилиши фермерларнинг шодлигига шодлик уланаётган даврга тўғри келиши билан янада гаштли. Аввало, фермер давлат эҳтиёжлари учун ғалла сотиш шартномасини ортиғи билан бажариб, енгил нафас олган пайт бўлади. Иккинчидан, ғўза шохларидаги шиғил ва бўлиқ кўсаклардан завқ олиб, уюлажак катта хирмондан кўнгли тўқ дамларга тўғри келади.**



Ҳозир Янгийўл туманидаги "Тинчлик" фермер хўжалиги раҳбари Қўчқор Иззатов айнан шундай хурсандчилик дамларни бошидан кечираётган бўлса ажабмас. Зеро, 69 гектарда ғалла етиштирилиб, давлатга 190 тонна дон топширилди. Хўжаликнинг ўзига ҳам юз тонна атрофида буғдой қолди. Қолаверса, 33 гектардаги картошка, сабзи, пиёз, лавлаги каби сабзавот экинлари ҳам аллақачон пишиб етилиб, истеъмолчиларга шартнома асосида пешма-пеш етказиб турилибди. Ҳозир ҳам кунига 5-6 тонна маҳсулот жўнатиляпти. Айниқса, тарвуз ҳосили фермерни жуда хурсанд қилди.

– Буғдойдан бўшаган майдонларнинг бир қисмига такрорий экин экишнинг ҳадисини олганмиз, – дейди Қўчқор Иззатов. – Бу 18 кишидан иборат жамоамиз учун қўшимча моддий ёрдам, албатта.

Суҳбат асносида фермер яна бир яхши гап айтиб қолди. Янгийўл сабзавотчилик, боғдорчилик туманига айлантирилаётгани муносабати билан бу йил 12 гектарли боғ барпо этмоқчи экан. Бу ерга асосан олма, олхўри, гилос экиш мўлжалланган.

**СУРАТДА:** фермер Қўчқор Иззатов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТАЖРИБА, ТАШАББУС

# ИНТЕНСИВ БОҒГА ДУРКУН КЎЧАТ

**Янгийўл туманидаги "Миришкор Сайфутдинова Хонзода" фермер хўжалигининг 9 гектар майдонни эгаллаган интенсив боғи биз кўрган боғларга мутлақо ўхшамайди. Гилос, олма, нокларнинг шиғил ҳосилини кўриб, кўзингиз қувнайди.**

Анъанавий боғларда бир гектар майдонга икки ёки уч юздан зиёдроқ кўчат экилса, интенсив боғларга уч мингдан кўпроқ ниҳол ўтқазилади. Ер тежалиб, кўпроқ ҳосил олиш мумкин бўлади. Интенсив боғларнинг яна бир афзаллиги дарахтларининг бўйи паст, танаси кичик бўлишида. Бу шохларини чилпиш, қатор ораларига ишлов бериш, кимёвий ўғит билан озиқлантириш, мевани теришда қўл келади.

– Далада томчилаб суғориш тизимини жорий қилганмиз, – дейди фермер Заҳриддин Сайфуддинов. – Бу Польшадан келтирилган 12 минг туп кўчатни бир вақтнинг ўзида самарали суғоришда сув ва минерал ўғитларни тежаш имконини бермоқда.

– Дарахтлар орасига экин экилса, қўшимча даромад бўлмайдими? – деб сўрадик.

Фермер атрофдаги дарахтларга бир фурсат ўйчан боқиб турди-да:

– Ўйлашимча, интенсив боғларни бунёд этишдан мақсад, ягона, яъни тез, сифатли ва кўпроқ сара мева ҳосили олиш, – деди у.

Фермер умри давомида деҳқончилик, боғдорчилик билан машғул. Шу меҳнати орқали олти фарзандни уйли-жойли қилди. Ўғиллари Фахриддин, Бадриддин, Камолиддин ва Ҳасанларга ҳар ишда ўрнак. Бугун улар ота изидан боришмоқда. Хўжаликнинг экин майдонлари ҳозир юз гектардан зиёдроқ, унда 40 га яқин миришкор меҳнат қилади. Етиштирилган полиз маҳсулотлари пешма-пеш бозорга чиқариляпти.

Суҳбатимиз қўшни Зангиота туманининг Тўқимачи ва Туркистон қишлоқлари далаларида давом этди. Боғбон чет мамлакатлардан келтирилаётган кўчатларни М-9, М-22 навларига пайванд қилаётганини айтди.

– Булардан етиштирилган кўчат ўрта ва паст бўйли, аммо, серҳосил бўлади, – деди фермер. – Буни оғзаки тушунтириш қийин. Минг марта эшитгандан, бир кўрган маъқул. Вақтингиз бўлса, юринг, боғларимни, кўчатчилик ишимни кўрсатай...

Дала ўртасидан борар эканмиз:

– Атрофдаги ерларнинг барчаси бизнинг хўжаликка қарайди, – дея гап бошлади Заҳриддин Сайфутдинов. – М-22, М-9 пайвантакларидан ҳозиргача икки мингта келтириб, пайвандлашга тайёрлаяпмиз. Уларни йил охиригача тўрт мингтага етказишни ният қилганмиз. Мақсадимиз – интенсив боғ барпо қилиш истагида бўлган бошқа фермер хўжаликларини кўчат билан таъминлаш. Шунда улар пакана ва серҳосил боғ яратиш учун хорижга бориб, овора бўлиб юрмайдилар...

Даланинг бир томонига полиз экинлари, иккинчи тарафига эса беҳи, шафтоли, нок, олманинг миллий ва ва хорижий навлари экилган.

Экинларни суғораётган сувчининг кўзи бизга тушиб, ёнимизга келди.

– Катта ўғлим Фахриддин. Бу ердаги ишларни бошқаради, – уни таништирди фермер ва кулимсираб давом этди. – Ўғилларим кўчатчиликда мендан ўтаман дейди. Шунинг учун уларга ўзимга ишонгандай ишонаман. Кўчат тайёрлаш жараёнини сизга ўғлим кўрсатади.

Кўчатлар турлича пайвандланади. Фахриддин Сайфутдиновнинг сўзларига қараганда, кўчатлар уруғдан илдиз оттириб кўпайтирилса, ёки куртакли пайвандлаш орқали кўчат ҳосил қилинса, маблағ, майдон, вақт анча тежалади.

– Кўчатларни пайвандлашда пайвандтаг ва пайвандустдан фойдаланилади. Пайвандтаг кўчатнинг остки қисми, – деди Фахриддин.

Кўчатларни пайвандлашдан мақсад бир турдаги дарахтлар навини ўзгартириш ва кўпайтиришдан иборат. Ҳар икки новда бир-бирига биологик мос тушмоғи лозим...

Фахриддин билан гаплашиб, тут тагидаги чорпояга яқинлашар эканмиз, мовий осмон қорая бошлади. Уфққа бош қўйган қуёш нурида турли мева дарахтларининг учи ним алвон тусга кирди...

**Бекзод ҲИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


SAVDOGAR BANK

**Азиз ва муҳтарам юртдошлар!**

**Чет эл капитали иштирокидаги "Савдогар" очиқ акциядорлик-тижорат банки Тошкент вилояти жамоаси юртимиз аҳолисини мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги билан муборакбод этади. Улуғ мақсадлар йўлидаги интилишлар ижобат топиб, саховатли заминимизда тинчлик-фаровонлик ҳукм сураверсин!**

**"Савдогар" очиқ акциядорлик-тижорат банки Тошкент вилояти бўлими ўзининг қуйидаги омонат турларини ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қуйидаги кредит турларини таклиф этади:**

ОМОНАТ ТУРЛАРИ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

| «МУСТАҲКАМ ОИЛА» | «КЕЛАЖАК САРМОЯСИ» | «ЁЗ САХОВАТИ» |
|---|---|---|
| муддатли омонати – йиллик 18%, муддати – 1 йил. | муддатли омонати – йиллик 18%, муддати – 6 ой. | муддатли омонати – йиллик 18%, муддати – 2 ой. |

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА

| "КОМФОРТ" | "УНИВЕРСАЛ" | "ЭЛИТ" |
|---|---|---|
| муддатли омонати – йиллик – 6%, 3 ой муддатга | муддатли омонати – йиллик – 6%, 6 ой муддатга | муддатли омонати – йиллик – 7%, 12 ой муддатга |

КРЕДИТ ТУРЛАРИ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА

ЮРИДИК ШАХСЛАРГА:

- Айланма маблағларини тўлдиришга – йиллик 16%, 1 йил муддатга, гаров шартномаси тақдим этилади.
- Ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуна харид қилишга – йиллик 16%, 3 йил муддатга, гаров шартномаси тақдим этилади.
- Бошқа тижорат кредитлари - йиллик 16%, муддати бизнес режасига асосан белгиланади, гаров шартномаси тақдим этилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 17-уй.
Телефонлар: 232-02-64, 236-21-46
Web site: www.savdogarbank.uz E-mail: info@savdogarbank.uz

Хизматлар лицензияланган.


**"SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 1981 й. "Газ 24", д/р. 11 С 9898 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 571 400 сўм. 2. 1987 й. "М-412 Москвич", д/р. 10 В 411 АА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 525 600 сўм. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 3. 28.10.2011 й. № 21248/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. "Матиз", д/р. 01 791 VAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 730 622 сўм. 4. 25.03.2012 й. № 11375/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. "Матиз", д/р. 01 877 ЕАА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 421 500 сўм. 5. 01.12.2011 й. № 25109/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. "Заз-968", д/р. М 4954 ТН автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 231 796 сўм. 6. 12.07.2011 й. № 11671/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. "Ваз-21074", д/р. 30 Z 9634 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 794 696 сўм. 7. 25.03.2012 й. № 11368/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. "Газ-31029", д/р. 01 Х 969 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 784 664 сўм. 8. 24.08.2011 й. № 15697/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. "Ваз 2103", д/р. 30 U 0113 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 943 740 сўм. 9. 25.03.2012 й. № 11376/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. "Ваз-21070", д/р. 10 N 8899 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 818 226 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 10. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. "ФОРД", д/р. 11 W 9962 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 212 508 сўм. 11. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. "Ваз 2102", д/р. 11 V 872 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 068 481 сўм. 12. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. "Ваз 2102", д/р. 11 Р 6347 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 028 109 сўм. 13. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. "Газ 21", д/р. К 3894 ТШ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 057 779 сўм. 14. 15.02.2012 й. № 3913-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. "Ваз 21011", д/р. 11 К 5047 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 718 253 сўм. 15. 14.11.2011 й. № 13128-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. "УАЗ-452Д", д/р. 11 М 3476 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 521 393 сўм. 16. 22.11.2011 й. № 13297-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. "HAFEI", д/р. 11 J 865 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 281 744 сўм. 17. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. "ИЖ 21-25", д/р. 11 I 2296 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 068 787 сўм. 18. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. "УАЗ 452", д/р. 11 L 4829 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 134 397 сўм. 19. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. "УАЗ 452", д/р. 11 N 2357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 174 419 сўм. 20. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. "Ваз 2108", д/р. 11 W 991 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 415 553 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланмоқда. 21. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. "ДТ-75", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 274 160 сўм. 22. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. "Газ 5201", д/р. 11 С 6984 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 016 955 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари "Зафар АТС" х/к омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 6 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Чиноз туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 23. "Газ 33029", д/р. б/н автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 901 097 сўм. 24. 1954 й. "Победа Газ-20", д/р. 30 R 1956 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 981 860 сўм. 25. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 277 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 030 999 сўм. 26. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 344 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 647 119 сўм. 27. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 180 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм. 28. 2002 й. "Мидибус-24,9", д/р. 10 273 ААА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 701 415 сўм. 29. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 338 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм. 30. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 349 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 931 105 сўм. 31. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 356 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 954 070 сўм. 32. 2002 й. "Мидибус-24,9", д/р. 10 119 ВАА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 701 450 сўм. 33. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 278 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 954 070 сўм. 34. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 357 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 747 380 сўм. 35. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 339 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 931 171 сўм. 36. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 AJ 916 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 288 174 сўм. 37. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 AJ 904 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 288 174 сўм. 38. 2001 й. "Мидибус-М23,9", д/р. 11 AQ 152 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 335 197 сўм. 39. 2001 й. "Мидибус-М23,9", д/р. 11 AQ 155 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 987 214 сўм. Савдога Бекобод шаҳар туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 40. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. "М-412", д/р. 10 G 4538 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 391 673 сўм. 41. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. "ЗАЗ-968-М", д/р. 11 S 1813 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 126 853 сўм. 42. 04.08.2010 й. № 7317-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. "УАЗ 452", д/р. 11 V 9639 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 344 375 сўм. 43. 12.01.2010 й. № 14-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. "ГАЗ 24", д/р. 11 U 7834 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 241 532 сўм. 44. 23.07.2012 й. № 7691-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. "Ваз 2103", д/р. 11 Z 4513 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 484 000 сўм. 45. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. "Москвич 2140", д/р. 11 V 5694 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 123 000 сўм. 46. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. "УАЗ-452А", д/р. 11 Т 9673 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 547 770 сўм. 47. 01.08.2011 й. № 7863-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. "Газ 3102", д/р. 10 Z 934 СА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 253 200 сўм. 48. 07.04.2009 й. № 3276-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. "ВАЗ 2101", д/р. 11 Q 4625 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 778 707 сўм. 49. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. "М-412", д/р. Ж 91-91 ТШ автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 283 505 сўм. Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари "Бекобод савдо" омборида сақланмоқда. Савдога Зангиота туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 50. 3701/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. "ВАЗ 21061", д/р. 10 Q 984 ВА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 488 000 сўм. Автотранспорт воситаси "BURXON-SAVDO" МЧЖ сақлаш омборхонасида сақланмоқда. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 51. 27.07.2011 й. 13111/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. "Ласетти", д/р. 01 В 797 DA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм. 52. 02.06.2010 й. 9579/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. "Эпика 1", д/р. 01 V 638 GA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 56 000 000 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари "Нумизматика" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 21 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 21 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 8 октябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 16 майдаги 11-1132/6547-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони манзилида жойлашган "Пиллакор" МЧЖга тегишли, умумий майдони 942,2 кв.м. бўлган Литер-Гдаги бостирма такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 41 256 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 сентябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.06.2009 йилда № 002957-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 301214436) "CHILONZOR LUX BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 118 000 000 сўмдан 77 500 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ЧП "HALIMOV SAVDO SERVIS" Юнусабадского района сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 157 500 606 сум до 80 000 000 сум.

Утерянный диплом КНМ № 001372, выданный 2 июля 2003 году (рег. № 38417) Ташкентским колледжом информационных технологий на имя Гуламова Зафара Равшановича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании O`R-SH № 0531244, выданный в 2006 году средней школой № 131 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Юнусова Абдубокия Абдукадыровича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом К № 564422, выданный в 1 июля 2006 году Ташкентским юридическим колледжом на имя Эшмурадовой Дилдоры Исматовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Частная фирма "INROZ" (ИНН 200652924), зарегистрирлованное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Уста Ширин, 117, сообщает о своем изменении организационно-правовой формы с частной фирмы "INROZ" на частное предприятие "INROZ".

Правопреемником частной фирмы "INROZ" является частное предприятие "INROZ". Тел.: (+99890) 188-68-64.

ДП "BEKTEMIR AVTO" (ИНН 204983898) сообщает о преобразовании в ООО "BEKTEMIR AVTO". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, Бектемирский район, ул. К. Отабоева, дом 74.

Юнусобод тумани ДСИ томонидан 29.07.2011 йилда гувоҳнома № 1008857 рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 488397288) якка тартибдаги тадбиркор Маннанова Гульнара Мирзаахмедовнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси филиал директори

**Абдуғани ҲАЙДАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЯНА ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

# ОИЛАВИЙ БАХТ КАЛИТИ

Маданият деганда жамият ва инсон тарихий тараққиётининг муайян бир даражасини тушунамиз. У кишилар ҳаётининг турли кўринишларида, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда, қолаверса, халқнинг миллий урф-одат, қадрият, анъаналари ва маросимларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топади.

Мустақиллик шарофати билан бошланган улкан бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигининг муттасил яхшиланиб бориши, миллий урф-одатларимизга эркинлик берилиши турли маросимларимизда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Ўтмишдаги ўзбекона тўйларнинг тартиби, сарф-харажат ва никоҳ маросимларини ҳозирги даврдагиси билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Чиройли, намунали тўйлар қилиш, кўркам оила қуришни орзу қилишда меъёрни сақлаш ҳам маданиятни англатади. Бундай орзулар оилага гўзаллик, файз ва маъно бахш этади. Улар изчил, мақсадли ва энг муҳими – меъёрли бўлса, киши оилавий бахтга сазовор бўлади.

Лекин тўй ва маросимлар билан боғлиқ орзу-ҳавослар мавжуд имкониятлардан устун келиб, меъёр доирасидан чиқиб кетса, маънавий ва ахлоқий тамойиллар унутилиб, ўрнини худбинлик, шуҳратпарастлик ҳамда улар кетидан содир бўлиши муқаррар исрофгарчилик ва ночорлик эгалласа, бундай орзу саробга айланиши аниқ. Урф-одатларга кўр-кўрона ва ортиқча берилиш, албатта, муҳтожликка олиб келиши шубҳасиз.

Тўй маданияти фақат замонавий тўйхоналар, тўкин дастурхон, таклиф этилганлар сонининг ҳаддан зиёдлиги, "лимузин" машиналар, пулвозлик, меъёридан ортиқ сарполар, юзлаб килограмм ош дамлаб тарқатиш, қудаларга 20-30 тагача тўн кийдириш, тўйхоналарда 100-150 аёл учун шарт бўлмаган "чарлар" ўтказиш, янги туғилган чақалоқ ва ҳали камқувват она туғуруқхонадан чиққан куннинг ўзидаёқ "қовурдоқ", "бешик тўйи", "ақиқа", "қуда чақириқ" маросимларини тўйхоналарда катта қилиб ўтказиш, ҳатто, чақалоқнинг совғаларини ҳам олиб бориб намойиш этиш, "келинсалом"лардаги кераксиз дабдабалар эмас, балки, тўй соҳибларининг маънавий бойликлари билан белгиланади.

Ҳар қандай тўкин-сочинлик, шоҳона дабдабалар ҳеч қачон комиллик мезони бўлмаган ва бўлолмайди. Ҳақиқий комиллик тўйдан кейинги ҳотиржамлик, тотув ва ширин турмушдир. Ортиқча тантанавозликка берилиб, кимларга тенглашаман, кимларнидир қойил қолдираман деб, бир кунда ўтиб кетадиган тўй учун бор-йўғини сарфлаб тугатиш, қарзга ботиш, ўта нодонлик ва маънавий қашшоқликдан бошқа нарса эмас.



Айниқса, қарз ёмон нарса. У кишига уйқу бермайди. Инсоннинг фазилати ҳалол меҳнат, ўткир ақл-идрок, саранжон-сариштаманлик ва тежамкорлигидадир. Барча шоду хуррамлик, фаровон, тотув турмушнинг манбаи ҳам шунда.

Бир донишманд "Энг қудратли ҳирс – шуҳратпарастлик. Мени шу ҳирсдан озод қилсангиз менинг ўзим бошқа ҳирслардан қутула оламан" деган экан.

Бу борада Юртбошимизнинг 1998 йил октябрдаги махсус Фармонлари муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Фармонда тўй-ҳашамларимиз, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда кўп жойларда шуҳратпарастлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларни инобатга олмаслик каби иллатлар ҳақида жиддий огоҳлантирилган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, мақтанчоқлик ва манманликдан хунук нарса йўқ. Шунинг учун бундай иллатларга қарши курашишга азал-азалдан муқаддас диний китобларда ва буюк мутафаккирларимиз ижодида жиддий эътибор берилган. Ҳадисларда ҳам никоҳ ва тўйнинг яхшиси енгилидир, кам сарфлисидир, тўйда бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш фазилатдир, уч кун таом бериш риёдур, енглар, ичинглар, лекин, исроф қилманглар, дейилган. Халқ орасида "Шамини кундузи ёндирган одамнинг туни қоронғу бўлади", "Пулини беҳуда исроф қилган одам оғир кунда хор бўлади" каби иборалар юриши бежиз эмас. Мевасиз дарахт осмонга интилиб, мевали шох ерга энгашади.

Бинобарин, ҳар қандай буюк ишлар жумладан, тўйларимиз ҳам аввaламбор кўз-кўзланмай, камтарлик билан ва оддийгина шароитда ўтгани маъқул. Зеро, ҳар қандай улуғ иш оддий ва камтарона бўлиши лозим.

Шуҳратпарстлик эса иродаси заиф, маънавий қашшоқ, узоқни кўра билмайдиган, фақат лаззатда яшашни хоҳловчиларга хос қуср. Улар ҳақиқатни кўра олмайдиган, эзгуликни ҳис этмайдиган, яхши ҳулқлардан узоқлашган, мол-дунё деб йўлидан адашган одамлардир. Беҳуда бойлик ва манманлик билан устунлик ва обрўга эришиш истагидан сақланмоқ инсонни ҳар қандай иллатлардан асрайди. Инсон ўзининг кимлигини ва нималарга қодирлигини шуҳратпарастлик билан эмас, балки ақл, билим, ҳалол луқманинг самараси, тежамкорлик ва саранжом-саришталиги билан кўрсатишга одатлангани маъқул.

**Эркин ҒУЛОМОВ.**

---

**Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб эълон қилинган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг тасвирий санъат йўналиши бўйича тақдим этилган бадиий асарлар кўргазмаси намойиш этилди.**

## КЎРГАЗМАДА ТАНЛОВГА АТАЛГАН СУРАТЛАР

Танловнинг тасвирий санъат йўналиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 350 нафардан ортиқ рассом, дизайнер, фотомусаввирларнинг беш ярим мингга яқин ижодий ишлари тақдим этилган. Ушбу кўргазмада танлов иштирокчиларининг энг яхши деб топилган бадиий, фото асарлари, плакатлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Уларда бугунги тинч ва осуда, жонажон Ватанимизнинг диққатга сазовор гўзал масканлари, бетакрор табиат манзаралари тасвири, тўкин ва фаровон ҳаёт, меҳнатсевар, фидойи ҳамюртларимизнинг бахтиёр қиёфаси акс эттирилган.

"Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг якуний босқичи ғолиблари қутлуғ айём – Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

**Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".**

---

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# АФСУСДАМАН

"Опамнинг қўшниси Азиз Фарҳодов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Москва шаҳридаги мебель комбинатида ишлашга таклиф қилди. Ойига 700 АҚШ доллар ҳақ тўлаб, ётоқ ва овқат билан таъминлашини айтди. Мен рози бўлдим. Ҳозир эса танловимдан пушаймонман, афсусдаман".

Жўра Илҳомов Москвага йўл оларкан, яхши ишлаб келишни, рўзғорнинг каму кўстини тўлдиришни хаёл қилганди. Орзуларга берилди-ю, алданиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Ахир ён-атрофда одам савдосидан жабр кўрганлар, уларнинг аянчли тақдири ҳақида тўхтовсиз гапирилмоқда.

Хуллас, Азизнинг таклифига рози бўлган Жўра "Мерседес-бенц" русумли автобусда Москвага жўнади. Манзилга етгач, ҳайдовчи уларга йўл ҳақи тўламаганларини пеш қилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини бермади. Шунда у Азиз берган рақамга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди.



Гўё одамларга яхшилик қилиб, уларга беминнат ёрдам берувчи Ўткир Ҳамдамов келиб ҳайдовчидан ҳужжатларни олди ва Жўрани ўзи яшайдиган жойга олиб кетди. Лекин унга паспортни қайтариб бермади. Жўра бир неча бор сўрашига қарамай, турли баҳоналарни тўқиб, ишлаши кераклигини уқтирди.

Мебель заводи-ю, озиқ-овқат, яхши уй-жой – ҳаммаси саробга айланди. Жўра қурилишда иш бошлади. Орадан чамаси 20 кун ўтиб, унга яна икки йигит қўшилди. Энди улар катта дачада сув ҳавзаси қура бошлашди. Кунлар эса совиб, ёғингарчилик тинмади. Гапнинг лўндасини айтганда, Ўткир Ҳамдамов бу йигитларга ҳақ бермай ишлатиб, камига Мадиёр исмли одамга сотмоқчи бўлди. Уларнинг ҳар бири учун 10 минг рубль сўради.

Судда Ўткир Ҳамдамов айбига қисман иқрор эканини тан олди. Бироқ, у жабрланувчиларнинг "паспортимни олиб қўйди, иш ҳақи бермади, бизни бошқа шахсга сотиб юборди" деб кўрсатма бераётганларига тушунолмаётганини таъкидлади. Гўёки у бу ишларнинг бирортасига қўл урмаган-у, бу гаплардан бехабардек.

Суд Ўткир Ҳамдамовнинг айбига қисман иқрорлигини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топган бўлса, ғаразли ва бошқа паст ниятда, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктиргани, илгари жиноят содир этган шахснинг такроран жиноят қилишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, Ўткир Ҳамдамовга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Бугун биз "одамфурушлар" ҳақида кўп гапиряпмиз. Ачинарлиси шундаки, кўп ҳолларда соддадил инсонлар одам савдоси қурбонига айланмоқдалар.

Мўмай пул топиш илинжида танимаган, билмаган одамга кўр-кўрона эргашиш, шубҳасиз шундай кўнгилсизликларга сабаб бўлади.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

---

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 3 июлда реестр рақами 005233-01 билан рўйхатдан ўтган "QO`SH YONG`OQ" МЧЖ (ИНН 302339628) мулкчилик шаклини оилавий корхонага айлантиришини ҳамда устав фондини 6 000 000 сўмдан 800 000 сўмга камайтиришини маълум қилади.

---

БУ – ҚИЗИҚ

## Ўжар ўргимчак

Хитойлик Ли исмли аёлни текширувдан ўтказган шифокорлар ғайриоддий ҳолга гувоҳ бўлдилар. Аёл қулоғида ўргимчак ин қурган. Буни кўрган бемор ҳушидан кетишига сал қолган. Шифокорлар бу хавфли ҳашарот қандай қилиб беморнинг қулоғига жойлашиб олганига ҳайрон. Маълумотларга кўра, қулоғи тинмай безовта қилган аёл кучли оғриқдан шифокорга мурожаат қилган.

Лининг қулоғидан ўргимчак аллақачон олиб ташланган бўлсада, у қулоғида қўним топган бу ҳашаротдан қутулганига ишонмаяпти.

## Осмонўпар миноралар

Баланд бинолар бўйича халқаро кенгаш дунёдаги энг баланд миноралар бешталигини эълон қилди. Италиянинг Милан шаҳридаги 161 метрлик "Palazzo Lombardia", Канаданинг Миссисога шаҳридаги 179 ва 158 метрлик "Absolute Towers" миноралар мажмуаси, Сиднейдаги 135 метрлик "Bligh Street" биноси ва Қатар пойтахти Доҳадаги 238 метрлик "Doha Tower" минораси осмонўпар миноралар сафининг пешқадамларига айланди.

Шунингдек, Абу-Дабидаги 145 метр баландликдаги "Al Bahar Towers" минораси янги инновация ғояси учун махсус мукофотни қўлга киритди. Мазкур миноранинг ташқи фасади қуёш йиғувчи панеллар билан қопланган бўлиб, улар қуёш нурлари бўйлаб автоматик равишда ҳаракатланади.

**ЎзА.**

---

РАССОМ ХАНДАСИ

*– Турмуш ўртоғингиз кўпроқ дам олиши керак. Уни безовта қилаверманг, айниқса, улфатлари даврасида тинч қўйинг. Шунда тузалиб кетади.*



caricatura.ru

---

# XXI аср ва дунё

## ЯНА БИР БАНКРОТ

**Польшанинг йирик "ОЛТ Экспресс" авиакомпанияси ўзини банкрот, деб эълон қилди. Муассаса вакилларининг таъкидлашича, компания мамлакат авиабозорини бутунлай тарк этган.**

Маълумотларга қараганда, сўнгги вақтда ўз мижозларига арзон нархда билет таклиф этган "ОЛТ Экспресс" янги сармоядор топа олмаган. Компания банкрот бўлган куни ташкилотнинг чартер рейсидан фойдаланаётган кўплаб маҳаллий сайёҳлар ўз манзилларига вақтида жўнай олмаган. Шу боис, туристик фирмалар дарҳол янги авиакомпания излашга тушган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, айни пайтда сайёҳлик мавсумининг энг гуллаган даври бўлишига қарамай Польшанинг кўплаб сайёҳлик фирма ва компаниялари ўз иш фаолиятини тўхтатмоқда. Бунинг асосий сабаби Европада ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари билан боғлиқ. Бундай нохуш ҳолатлар минглаб сайёҳларнинг саёҳат қилиш режасини чиппакка чиқармоқда.



## «APPLE» ОРТДА ҚОЛДИ



**"Samsung" компанияси смартфонлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича "Apple" компаниясини ортда қолдирди. Жорий йилнинг апрель-июнь ойларида "Samsung" 50,5 миллион смартфон ишлаб чиқариб, жаҳон бозорининг 35 фоизини эгаллади.**

Мазкур кўрсаткич "Apple"-дан қарийб икки баравар кўп маҳсулот савдога чиқарилди деганидир.

Шунингдек, "Samsung" оддий мобиль телефонлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Жаҳон мобиль алоқа воситалари бозорининг 24 фоизини эгаллаган ушбу компания жорий йилнинг шу вақтига қадар 97,8 миллион мобиль телефонни савдога чиқарган.

**ЎзА.**

---

НИГОҲ

# РОҒУН ГЭСи – СУВ БОМБАСИ

**Кучли портлаш юз бериб, минглаб тонна сув тўғоннинг бузилган жойидан пастга, 300 метрдан баландроқ тўғоннинг қолган қисмини ҳам кемириб, ювиб, шиддат билан оқа бошлади. Табиий офат йўлида учраган катта-кичик, жонли-жонсиз ҳамма нарсани домига тортиб, ютиб бораяпти. Кечагина болалар шод-хурсанд ўйнаб юрган қишлоқ баҳайбат тўлқинлар қаърига ғарқ бўлиб кетди...**

Бу – ҳалокат фильмдан кадрлар эмас. Агар Роғун ГЭСи шунча қаршилигу эътирозлардан кейин ҳам охиригача қуриб битказилса, юз бериши мумкин бўлган даҳшатли манзара. Зеро, Тожикистон террорчиларнинг писиб кириб, шундай қўпорувчиликни амалга оширмаслигига ҳеч қандай кафолат беролмайди. Бу фикрни тасдиқловчи бир мисол: яқинда Давлат миллий хавфсизлик қўмитасининг кучли қўриқланадиган тергов изоляторидан 28 нафар хавфли террорчи бемалол қочиб кетди. Президент Имомали Раҳмон қароргоҳининг шундоққина ёнгинасида юз берган бу хунук воқеа кўп шов-шувларга сабаб бўлди.



Американинг сув хавфсизлиги бўйича экспертлари шу йил кўкламда БМТнинг штаб-квартирасига тақдим этган маърузаларида таъкидланадики, сув танқислиги билан боғлиқ жиддий муаммо яқин ўнйилликлар ичида мамлакатлар ўртасида турли жанжал ва тўқнашувларга олиб келади.

АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон Вашингтонда тақдим этган янги маърузасида баён этилишича, сувнинг етишмаслиги келажакда мухолифларга "сиёсий босим ўтказиш қуроли"га айланиши мумкин. Бундан ташқари, Х. Клинтон келажакда террорчилар ўзлари ҳужум қиладиган объектлар сифатида сув дамбалари ва сув сақланадиган резервуарларини танлашлари мумкинлигини ҳам инкор этмади.

Америкалик мутахассисларнинг хулосалари ҳозир Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи лойиҳасига ҳам тааллуқли дейиш мумкин. Унинг бўйи 335 метрга етиб, дунёдаги энг баланд тўғон бўлади. Ушбу улкан сув иншооти хусусида юзлаб мақолалар ёзилиб, чоп этилди ва ўнлаб фильмлар суратга олиниб, уларда Тожикистоннинг сейсмик жиҳатдан ўта хавфли зонасида бундай катта объектни қуриш жуда хавфли эканлиги ҳақида кўплаб асосли далиллар келтирилди.

Масалан, тожик олими шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини http://comunicom.ru/public html/-blog) сайтида босилган "Раҳмон Тожикистонга нимани мерос қолдираяпти" сарлавҳали мақоласида баён этди. Унинг фикрича, "Кучли сейсмик зонада барпо этилажак дунёдаги энг баланд – 335 метрли ГЭС тўғони – Данғарадаги шунчаки, товуқхона эмас. Уни илмий билимдонлар бунёд этмоқлари зарур. Раҳмонда эса бундай малакали, етук мутахассислар йўқ. Роғунда техник муаммолар шу қадар кўпки, ҳар қандай экспертиза уни қуришни тақиқлаб қўйиши мумкинлигини ҳамма ҳам билавермайди. Асосий гап шундаки, бўлажак тўғон заминида катта туз қатлами бор. Агар тўғондаги сув ўша туз қатламини эритиб юборса нима бўлишини англаш учун қурилиш соҳаси профессори бўлиш шарт эмас".

Борингки, Роғун ГЭСи қуриб битказилди дейлик. Аммо, ушбу объектнинг хавфсизлигини ким таъминлай олади? Бу иншоот террорчилар учун қулай мўлжал ва Тожикистон учун "ахиллес товони" бўлмайдими? Агар шундай бўлса, ушбу лойиҳа акцияларини сотиб олишга зўрлаб мажбур қилинаётган фуқаролар ўз президентларининг шуҳратпарастлиги ва манманлиги тутқунига айланадилар.

Тожикистон Ислом уйғониш партияси раиси, мамлакатнинг етакчи мухолифатчи сиёсатчиси Муҳиддин Кабирийнинг вашингтонлик журналист, EurasiaNet сайтидаги "Nhe Bug Pit" блоги муаллифи Жошуа Кучерага берган интервьюсида Тожикистон ҳукумати террорчиларга қарши кураш олиб боришга тайёр эмаслигини тан олди. Тожикистон шарқида юз берган барча воқеалар бизнинг террорчилар ҳужумига тайёр эмаслигимизни кўрсатди (http://www.ariana.sul), деди у.

Рашт водийси ва Тавилдарёда ҳамон жангарилар базаси мавжуд бўлган, жиноятчилар турмалардан бутун бошли гуруҳ бўлиб қочаётган, ҳатто, Душанбенинг ўзида портлашлар бўлиб турган ҳозирги вазиятда Тожикистон ҳукумати ўта муҳим объектни қўриқлашни таъминлай олармикин? Жиноятчи ёки террорчилар "жиҳод" тўғрисидаги шиорлар ортига яширинган ҳолда сув омборига заҳарли ёки радиоактив моддалар ташламаслигига ким кафолат бера олади? Тожикистон фуқаролари бир кишининг, яъни жаноб Имомали Раҳмоннинг инжиқ, жиззаки режалари ва қайсарлиги учун ўз хавфсизликлари ва ҳатто, шахсий ҳаётларини қурбон қилишлари керакми?

Америкалик муҳандислар Тожикистоннинг пойтахтида ўрнатган жаҳондаги энг баланд, яъни 165 метрли флагшток ҳам Имомали Раҳмоннинг манман, шуҳратпараст ва жиззаки эканлигини намойиш этиб турибди. Флагштокнинг қисмлари Дубайда тайёрланиб, дарё орқали Эронга келтирилган. У ердан эса юк машинасида, бир неча мамлакатлар оша Душанбега олиб келинган. Байроқ ва флагштокнинг ўзигагина 3,5 миллион доллар сарфланди. Бу Тожикистоннинг бир йиллик бюджетининг 10 фоизига тенг. Муҳиддин Кабирийнинг ҳисобига кўра, ушбу флагшток мамлакатнинг миллий норасолигини акс эттиради. Ҳамонки, республика иқтисодиёт, сайёҳлик ва юксак технологиялар орқали ўзга мамлакатлар эътиборини қозона олмас экан, ҳеч бўлмаса, шундай битта заҳардан қиммат, бунинг устига нокерак маҳобатли мажмуа бу кемтикликни қоплайди.

Душанбеда қурилажак Марказий Осиёда энг катта масжид лойиҳаси ҳам Имомали Раҳмоннинг ўта шуҳратпарастлигидан далолат беради. 115 минг киши ёки республика пойтахти эркак аҳолисининг қарийб ярми бемалол сиғадиган бу масжиднинг қиймати 100 миллион доллар. Минтақадаги энг камбағал мамлакат президенти бир дақиқалик шон-шуҳрат ва Гиннеснинг рекордлар китобига кириб қолиш учун давлат маблағининг бир қисмини сарфлаб юборди. Энди эса, Гиннесснинг рекордлар китобида дунёдаги энг йирик тўғон Тожикистонда эканлиги ҳақида бир сатр ёзув пайдо бўлиши учун Имомали Раҳмон ўз фуқаролари хавфсизлигини қурбон қилишга тайёр.

**Иззатулло САЪДУЛЛОЕВ. Центр-Азия.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 7012. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.20. 12345